

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 20 июнь, № 119 (4272)

Чоршанба



## МАТОНАТ, ШИЖОАТ ВА НАВҚИРОНЛИК БАЙРАМИ

Эртага  
пойтахтимизда  
“Универсиада—  
2007” спорт  
ўйинларига  
старт  
беради



«Универсиада», таъбир жоиз  
бўлса, Ўзбекистон ёшларининг  
ўзига хос спорт Олимпиадасидир.

Ислоҳ КАРИМОВ.

### Фахр

— Юртбошимизнинг даламига келиши нафақат мени, балки бутун жамоамизни руҳлантириб юборди, — дейди Кармана туманидаги «Парда бобо» фермер хўжалиги раҳбари Ортиқ Сувонов ҳаяжонини яшира олмай. — Шу кунгича таассуротларимни ёру дўстлар билан ўртоқлашиб, Президентимиз кўрсатмалари асосида қилдиган ишларимизни белгилаб олдик.

## ИШИ БУТУННИНГ РУҲИ ТЕТИК

Суюги далада қотган бу йигит олти йилдан бери хўжаликка етакчилик қилмоқда. Жорий йилда 34 гектар ердан 170 тонна буғдой йиғилтириб олиб, унинг 100 тоннасини шартнома асосида давлатга сотди.

— Қолган 70 тонна донни нима қилдингиз? — деб сўрадик.

— Фермер хўжалиги аъзоларига бўлиб бердим, — деди у. — Учрашувда Президентимиз “Бугунги фермер ҳам деҳқон, ҳам иқтисодчи, ҳам агроном, ҳам менежер бўлимоғи даркор, шундагина у қўзлаган мақсадида эришади”, — деб таъкидлади. Биз шу йўл-йўриқлардан келиб чиқиб, иш юритишга ҳаракат қилаймиз.

Ортиқ Сувонов айна кунларда галладан бўшаган майдонларни шудгор қиляпти. Олти гектар майдонда барқ уриб ўсаётган ғўзага ишлов беришни кучайтирмоқда. Бу йил у ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта етиштирмоқчи.

Мамлакатимизда бундай фермерлар жуда кўп. Давлатимиз томонидан таъминот, хизмат кўрсатиш бўйича қулай имкониятлар яратилганлиги тўғрисида улар мисли кўрилмаган натижаларга эришмоқдалар. Шунинг оқсидан турмуши фаровон, дастурхони тўкин. Шундай мунаввар кунларнинг қадрига етмай бўладими?

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,  
“Халқ сўзи” мухбири.

## КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Президентимизнинг вилоятимизда бўлиб, жойларда амалга оширилаётган ислохотлар билан яқиндан танишиш жараёнида билдирган қимматли тақлиф ва мулоҳазалари иқтисодийни ривожлантириш, янгидан-янгидан бунёдкорлик ишларини амалга оширишга туртки бермоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг ёш авлод таълим-тарбиясига қатъий эътибор қаратаётганимизни биз, педагогларни беҳад мамнун эттирди.

Ислоҳ Каримовнинг Афсона тиббиёт коллежиди яратилган шарт-шароитни кўриб, ўқувчилар билан мулоқотга киришганлари, Бухоро ва Бухороликларнинг интеллектуал салоҳияти ҳақида илиқ фикрлар баён этганликлари қалбимизни қувонгача тўлдирди. Бухоро шаҳридаги 32-«Меҳрибонлик уйи»да тарбияланаётган болалар билан суҳбат ҳам шу ўғил-қизлар қалбига Ватанга, она-юртга меҳр-муҳаббат ҳиссини янада оширгани аниқ. Бу Президентимизнинг ёшларга оталарча ғамхўрликларни ифодасидир, албатта.

Ишлар қалай, фермер? сифатида шунча яқин биламанки, ёшларга эътибор — бу мамлакатимиз келажигига эътибордир. Ҳозир қай бир мактаб, коллеж, лицейга борсангиз, кўркам биналар, замонавий ўқув жойлари билан таъминланган синфхоналар, ахборот-ресурс марказлари, ял-ял ёнган спорт залларига кўзингиз ташади. Шундай қулай шарт-шароитларда ишлаш аса бениҳоя мароқлидир. Бизнинг галдаги вазифамиз ана шу юксак эътибор ва ғамхўрликка меҳнатимиз билан муносиб жавоб беришдир.

М. ЭРТАШЕВА,  
Бухоро шаҳридаги  
35-мактаб ўқитувчиси.

### Дил изҳори

Ишлар қалай, фермер? сифатида шунча яқин биламанки, ёшларга эътибор — бу мамлакатимиз келажигига эътибордир. Ҳозир қай бир мактаб, коллеж, лицейга борсангиз, кўркам биналар, замонавий ўқув жойлари билан таъминланган синфхоналар, ахборот-ресурс марказлари, ял-ял ёнган спорт залларига кўзингиз ташади. Шундай қулай шарт-шароитларда ишлаш аса бениҳоя мароқлидир. Бизнинг галдаги вазифамиз ана шу юксак эътибор ва ғамхўрликка меҳнатимиз билан муносиб жавоб беришдир.

### Ишлар қалай, фермер?

## КОСОНСОЙНИНГ «ОҚ ЧАШМА»СИ

### Супермаркетда Аув-аув гап

У билан бундан уч йил аввал танишгандим.

ВОКЕА. 2004 йилнинг кўклами эди. Наманган шаҳрига тунда етиб келдик. Эрталаб нонушта қилайлик десак, биз жойлашган меҳмонхонанинг қаҳвахонаси таъмирланаётган экан.

— Рўпарадаги кўчада супермаркет бор, — деди барман. — У ердан нон билан сарийғи-қаймоқни олиб келуларингиз мен чой тайёрлаб тураман.

Супермаркетнинг кенг ва шинам залини айланарканмиз, ҳамроҳларимиздан бири: — Қаранглар, хув анави бурчақдаги бўлимда негадир одамлар кўп. Юринглар-чи, камёб нарса сотилаётган шекилли, — деб қолди.

«Сут маҳсулотлари» деб ёзиб қўйилган ушбу бўлимда чиройли ва бежирим қоғоз идишларга қадоқланган сут, сарийғ, қаймоқ, творог ва пишлоқлар беихтиёр диққатимизни тортиди.

— Буларни пойтахтдаги бирорта кўшма корхонадан

оласизларми? — деб сўради ҳар нарсага қизиқувчи шеригимиз сотувчи қиздан. — Нимала дуссиз, амакхон? — деди у наманганча шеведа ҳаф бўлгандек. — Ҳаммаси ўзимизни Косонсойда, «Чашма сафед» кичик корхонасида ишлаб чиқарилган. — Кейин шу корхона тамғаси туширилган ёрлиқни кўрсатиб, бизга манзират олқелишди. Сифатига гап йўқ, ишончли. Сертификатим бор. Қаймоққа тобларини қалай? Ё творогдан тубунчининг сўзларини маъқуллаб, қўли ёнғил тадбиркорларни дуо қилдилар.

Шу воқеа сабаб бўлди-ю, Косонсойга борганда, албатта, «Чашма сафед» фаолияти билан танишишни дилга тугиб қўйдик.

### Тўрт ўғлоннинг азми қарори

ВОКЕА. Улар беш ака-ука эди. Каттаси — Косонсой ўрмон хўжалиги оғир мудири Маҳмуд бир кун укаларини йиғиб, маслаҳат солди.

(Давоми 2-бетда).

## ТЕМУРИЙЛАР ВА МАРГИЛОН

Фаргона Давлат политехника институтига Марғилон шаҳрининг 2000 йилгига бағишлаб “Сохибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида бунёдкорлик, маданият ва илм-фан тараққиёти” мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, Халқаро Амир Темур жамғармаси, Фаргона Давлат университети билан ҳамкорликда ташкил этилган бу тадбирда олимлар ва мутахассислар иштирок этди. Президентимиз қарорларига мувофиқ, жорий йилда Самарқанд шаҳрининг 2750, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейлари кенг миқёсда нишонланди.

Анжуманда Марғилон юбилейи муносабати билан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, шаҳар тарихи, Сохибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида Марғилон шаҳрининг савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар ривожига аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Амир Темур ва темурийлар даврида бошқа шаҳарларимиз каторида Марғилонда ҳам ҳунармандчилик, илм-маърифат, маданият юксак даражада ривожланган. Бу заминдан қўлаб аллолар, фозилу шоирлар етишиб чиққан.

Анжуманда “Амир Темур — ўзбек халқининг буюк саркардаси”, “Бурҳониддин Марғиновнинг “Ал-ҳидоя” асарининг Амир Темур давридаги нодир нусхаси” каби мавзуларда маърузалар тингланди.

М.СУЛҲАЙМОНОВ,  
ЎЗА мухбири.



## ЁШ ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ — ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Ўзбекистонда жами оилалар сонининг салкам 40 фоизини ёш оилалар ташкил этади. 2006 йилда мамлакатимизда 208 минг 423 никоҳ, шунингдек, 561 минг 391 нафар бола туғилганлиги қайд этилган. Дастлабки рақам юртимизда, давлат ва жамият ҳаётида ёш оилалар, навқирон авлод мавқеи нечоғли юқори эканлигини тасдиқласа, кейинги рақамлар бу мавқенинг келгусида янада юксалиб боришидан далолатдир.

шарт» деган сўзлариди мамлакатимизда ёш авлоднинг тарбиялашга қаратилган давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ушбу вазифа жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ислохотларни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Юртбошимизнинг ушбу Фармони ҳам ёш авлодни, хусусан, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада қучайтиришга йўналтирилган. Фармонда, аввало, ёшларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қaratилган.

Айниқса, ёш оилаларнинг уй-жой ва маънавий шароитини яхшилашга доир

амалий чора-тадбирлар белгиланганлиги унинг аҳамиятини янада оширган. Зеро, ёш оила мустаҳкамлиги — фаровонлигимиз асосидир. Ёш оилалар соғлом муҳит бўлса, маҳаллада тиңчилик ва ҳамжихатлик янада мустаҳкамланади. Бинобарин, маҳалла-қўй аҳли бўлсагина мамлакатда осейшталлик ва барқарорлик ҳукм суради.

Ёш оилаларни уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй хўжалигини йўлга қўйишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида ёш оилаларга ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар шаклида 50 миллиард сўм ажратиладиган бўлди.

(Давоми 4-бетда).

(Давоми 2-бетда).

## ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАРНИНГ САМАРАЛИ ИЖРОСИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Осие Тараққиёт банкнинг Бельгия, Франция, Италия, Португалия, Испания ва Швейцария томонидан ижрочи директор Патрик Пиллон раҳбарлигидаги делегация қатор вазирлик ва идораларда музокаралар ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бунёдкорлик раиси, Осие Тараққиёт банкнинг (ОТБ) Ўзбекистон Республикаси томонидан бошқарувчиси Саидхамд Раҳимов билан мулоқот чоғида мамлакатимизда Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида банк соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Осие Тараққиёт банки 1996 йилдан буён мамлакатимиз иқтисодий-тинчлик кўпга соҳаларига сармоа киритиш орқали иқтисодий илохотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. ОТБ билан ҳамкорлик самараси таъриш, табиий ресурсларни улаштириш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва коммуникациялар, соғлиқни сақлаш, молия, саноат, савдо, энергетика каби соҳалардаги ўзгаришларда, айниқса, яққол кўзга ташланади. Осие Тараққиёт банки 2006 йил-

нинг март ойида Ўзбекистон учун 2006-2010 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик стратегияси ва дастурини тасдиқлаган.

ОТБ делегацияси ушбу ташриф асносида Сирдарё, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида бўлиб, қўшма лойиҳалар ижросининг бориши билан танишди. Бу лойиҳалар ер ҳосилдорлигини ошириш, сугорилар тармоқлари фаолиятини яхшилаш, шўрланган майдонларни камайтириш, машина-трактор паркларини янгилаш, шунингдек, таълим тизими муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда хотин-қизларнинг ишбилармонлик қобилияти ва кўникмаларини ривожлантириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш-

га оид тадбирларни ўз ичига олган.

— Ўзбекистонда ОТБ билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган лойиҳалар самарали ижро этилаётганига гувоҳ бўлдик, — деди Патрик Пиллон. — Юртингизда банк тизимини илохот қилиш ва эркинлаштиришнинг зарур ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиб, хорижий ишбилармонлар учун қулай сармовият муҳити ва шарт-шароитлар яратилгани бизни жуда қувонтирди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида ўтган учрашувда томонлар ўзаро манфаатли алоқаларнинг бугунги аҳоли ва иқтисодига оид масалалар юзасидан фикр алмашди.

ОТБ делегацияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида ҳам музокара ўтказди. “Тошкент” Фонд биржасида бўлиб, мамлакатимизнинг қимматли қоғозлар бозори фаолияти билан яқиндан танишди.

Ноҳира МАНЗУРОВА,  
ЎЗА мухбири.

# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Давлат герби — мустақиллик рамзи



**Давлат герби — бошқа рамзлар қатори давлат суверенитетини намоён этувчи тимсолдир. Ўзбекистон ўз мустақиллигини кўлга киритганидан сўнг суверен давлат рамзлари яратилди. 1992 йил 2 июлда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги Қонун асосида Давлатимиз герби тасдиқланди. Ушбу тарихий санага яқинда 15 йил тўлади.**

Ўзбекистон Адлия вазирлигида "Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби — мустақиллик рамзидир" мавзусида ўтказилган давра суҳбати ана шу санага бағишланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, адлия органлари ходимлари, олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Таъкидландики, Президентимиз ташаббуси билан яратилган Давлат герби ҳозирги кунда мамлакатимиз ва

халқимизнинг ифтихорига айланди.

Гербимизда ифодаланган тимсоллар — Ҳумо қуши, дарёлар, қуёш, бугдой бошоқлари, пахта чаноклари, ярим ой ва юлдуз каби тасвирларга сингдирилган мазмун-моҳиятини англаш орқали биз унинг нечоғли муқаддас эканлигини идрок этамиз. Бу эса бизни ягона мақсад йўлида жиқлаштиришга, озад ва обод Ватан, фаровон жамият қуриш йўлида собитқадамлик билан илгариллашга даъват этади.

## Оролдан «Белдирсой»га

**Тошкент шаҳридаги қорхоналар ва ташкилотлар тасарруфидagi, шунингдек, мактаблар қoшida ташкил этилган қундузга болалар оромгоҳларида меҳнаткашларнинг 45 миңдан зиёд фарзандлари ёзги таътилни мароқли ўтказадилар. Уларнинг 2000 нафарини Қорақалғoғистон Республикасидан келган болалар ташкил этади. Яқинда "Тошкент" темир йўл шoҳбекатида Оролбўйидан келган 290 нафар ўқувчи қутиб олинди.**

— Ўтган йили ҳам мактабимиздан бир неча киши Тошкентда дам олган эди, — дейди Қўнғирот туманилик Б-синф ўқувчиси Гулмира Аширова. — Бу йил бизга ҳам шундай бахт nasib этди. Поездга келямиз-у, юртимизнинг нақадар бeпoён, гўзал эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Энди биз — саксон нафар бола Паркентдаги "Машъал" оромгоҳида дам оламиз.

Умуман, шу кунга қай бир бола билан суҳбатлашмайлик, улар юртимизнинг сўлим гўшаларида дам олиш ва саломатликларини тиклашлари учун имконият яратиб берилганидан миннатдор эканликларини айтдилар.

Этироф этиш керак, мавсум олдидан барча оромгоҳлар хомий ташкилотлар томонидан тўлиқ таъмирланиб, мукамал жиҳозланди. Турли тўғарақ хоналари, кубуҳона, маънавият ва маърифат хонаси, ўқув зали дам олувчилар учун тахт қилинди. Ёзги таътилнинг биринчи навбатида 700 нафар Оролбўйи болалари "Машъал", "Гулбоҳор", "Белдирсой", "Нуррафшон" сингари оромгоҳларда дам олишса, мавсум охирига қадар уларнинг сони 2000 нафарни ташкил этади.

## Коллеж ва университет ҳамкорлиги

**Қарши туманидаги маиший хизмат касб-хунар коллежи вилоятдаги олий ўқув юрталари доимий алоқа ўрнатган.**

■ Бу ҳамкорлик коллеж ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини ошириш, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Таълим масканида 5 та кафедра бўлиб, улар турли олий ўқув юрталаридаги мутаносиб кафедра билан мунтазам алоқада. Бундан мақсад олий ўқув юрталарининг ўқитувчилари билан ҳамкорликни янада кучайтириш, узлуқсиз таълим турлари ўртасидаги боғланишни таъминлаш орқали Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини изчил амалга оширишдир.

## Саломатлик ойлиги

**Наманган вилоятида "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурига мувофиқ, саломатлик ойлиги бўлиб ўтмоқда.**

■ Шу ой мобайнида ўтказиладиган тадбирлар аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом ва маънавий ёш авлодни тарбиялаш, фуқаролар, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жабл қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини фаол шакллантиришга қаратилган. Ойлик давомида кишлоқ жойларда жисмоний ва маънавий саломатликни кенг тарғиб қилиш, хотин-қизлар ва болаларда кам қонлик, йод тақчилли-

ги касалликларини даволаш ҳамда олдини олишга доир ишларни амалга ошириш, спорт-соғломлаштириш тадбирлари учун зарур шaroитлар яратиш кўзда тутилган. Шунингдек, саломатлик ойлиги доирасида вилоят соғлиқни сақлаш тизими ходимлари белгиланган тадбирларни юқори даражада ўтказиш мақсадида "Ибн Сино" халқаро жамғармаси махсус ҳисоб-рақамга бир кунлик иш ҳақини ўтказиш ташаббуси билан чиқди.

## Ғолиблар аниқланди

**Президентимиз ташаббуси билан истеъдодли ёшларни излаб топиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган аънанавий «Ниҳол» кўрик-танловининг худудий босқичлари якунига етмоқда.**

■ Бука тумани маданият саройида танловнинг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳар босқичларида сараланган эллидан зиёд иқтидорли йигит-қиз белгиланган йўналишлар бўйича ўз истеъдодини намойиш этди. Мумтоз қўшиқчилик йўналишида оққўрғонлик Бекзод Машрабов, янги-йўллик Шаҳноза Имомалиева, бекободлик Шўрат Абдуллаев ҳамда бўкалик Мукамал Маҳмудова,

муслиқ ижрочилиги йўналишида қиёралик Малика Бахшова, Нигора Айтбoева, пeскентлик Хусан Мирсолиев, рақс номинацияси бўйича оққўрғонлик Одина Қурбoнова, эстрада йўналишида ангреник Элёр Шоймардонов, оламликлик Алишер Халилов, опера йўналишида Куйи Чирчик туманидан Гулмира Нуримбетова ғолиб деб топилди.

Ғолиблар танловнинг мамлакат босқичига йўланма олди.

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Яна бир аҳамиятли жиҳат шундаки, Фармонда ёш оилаларга бериладиган мазкур уй-жойни таъмирлашни молиялаш ҳамда уни зарур санитария-маиший жиҳозлар билан таъминлаш тегишли маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми кўрсаткичларининг ошириб бажарилган суммаси ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида жалб қилинаётган ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Ёш оилаларга ўзига хос ғамхўрлик намунаси бўлган ушбу ҳужжатда, бир томондан, ёшларнинг мустақил ҳаётга дадил қадам қўйиши, иккинчи томондан, мустақил меҳнат фаолиятини бошлаши, барқарор даромад манбаига эга бўлиши, учинчи томондан эса уй-жой ва маиший шароитини яхшилаб олиши учун амалий рағбат омиллари пойдевори мустаҳкамлангани эътиборлидир.

### Ипотека кредити ва имтиёзлар

"Ипотекабанк" акциядорлик тижорат банки ахборот марказидан маълум қилишларича, ушбу банк томонидан Президентимиз Фармонида белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилиши бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган. Мамлакатимиз миқёсида ёш оилаларга жорий йилда 7 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратиш режалаштирилган. Айни вақтда ушбу кредитлар бериш йўлга қўйилган. «Ипотекабанк»нинг жойлардаги филиаллари томонидан ҳозирги кунгача ёш оилаларга қарийб 500 миллион сўм миқдорда ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар ажратилган.

Банк томонидан кредит ажратилиши ёш оилаларга бир қатор имтиёзлар ҳам берилмаётди. Хусусан, ёш оилаларга ипотека кредитлари уй-жой қиймати-нинг 25 фоизи миқдорда бадал туланиганидан кейин, муддатига қараб, одатдаги йиллик 15-17 фоиз ўрнига 12, 13 ва 14 фоизлик тўловлар асосида ажратилмоқда.

Солиққа тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг шахсий уй-жой ёки қўп қаватли уйдан, хонадон сотиб олиш, қуриш ва реконструкция қилиш учун олинган ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобовларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси ёш оила аъзоларининг солиққа тортиладиган даромадларига қирмайди. Мабодо уй-жой сотиб олинган кундан

бошлаб 5 йил ичида сотиб юборилса, ёш оиланинг даромадлари жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиққа тортилади.

Яна бир қўлайлик — ҳўжалик субъектлари томонидан қайтариб олмастик шarti билан ёш оила тоифасига кирувчи ходимларига ипотека кредити бадалларини тўлашга ёки мулк сифатида уй-жой сотиб олишга рўхсат этилди ҳамда ҳўжалик субъектларига ушбу маблағлар миқдорига тенг ҳажмда, ammo солиққа тортиладиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда даромад солиғи ёки

Ипотека кредитининг ўзига хос муҳим хусусияти шундаки, қўрилайётган ёки таъмирланаётган, сотиб олинаётган уй-жойнинг ўзи гаровга қўйилди. Демак, ипотека кредити олувчи қўрилайётган ёки сотиб олинаётган уйда яшаб туриб, қарзини узоқ йиллар давомида тўлайди. Шу жиҳатдан, кредитнинг бу қўлай тури уй қуриш ёки сотиб олиш учун маблағи етмаган ёки оила учун қанчалик катта маддад экани аён бўлади.

Хорижий мутахассисларнинг эътиришига кўра, юртимизда Президент

уй-жойни реконструкция қилиш, шунингдек, қўп хонадонли уйдан квартира сотиб олиш учун эса энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 бараваригача миқдорда кредит ажратилади.

Хўш, бу маблағ ёш оиланинг уй қуриши, таъмирлаши ёки сотиб олиши учун қўпми ёки оз?

Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли бунёдкорлик жараёнлари турар жой меъморлигида ҳам янги, замонавий қурилиш мезонлари ва қоидалари қабул қилинишига туртки бўлди. Давлат томони

унинг фойдаларини белгиланган муддатда тўлаб бoриш учун етарли эканлигини ҳисобга олиб, шундан кейингина кредит ажратди. Бу, ўз навбатида, уй-жой муаммосини ҳал этишга бел боғлаган ёшларнинг муайян даражада даромад эгаси бўлишини талаб этади.

Шу маънода, ёш оилаларга уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ёки сотиб олиш учун бериладиган ипотека кредитлари мактаб, лицей ёки коллеж-ни битириб, муайян жойда ишлаш асосида тегишли касб-хўнарни пухта эгаллашга астойдил бел боғлаган ёш ишчи-ҳодимлар, олий ўқув юрталарида тахсил олган навқирон мутахассислар, шу каби бошқа қўллаб ёшларимиз учун аини мўлдоғидир.

Эътиборли жиҳати шундаки, бугун ёш оилани моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган ана шу кенг имтиёзлардан фойдаланиш истагидаги ёшларнинг ўзи гапнинг лўдасини айтмоқда. Уларнинг фикрича, ҳаётга умид билан қадам қўйган ёш оила учун уй-жойнинг энг муҳим сифатлари — унинг ҳашамати ёки маҳобати эмас, балки қўлайлиги ва замонавийлигидир.

Ҳа, мустақиллик йилларида мамлакатимизда истеъдодли, иродали, ўз олдига аниқ мақсадларни қўйган янги авлод волега етмоқда. Ёшлар ўзларига билдирилайётган ишонч ва ғамхўрлик, Президентимиз уларга катта умид боғлаётганини яқин англайди. Улар бу ишончнинг аёло ўқиш, илмий-иждоий муваффақиятлар, халқимиз фаровонлиги, мамлакатимиз таракқиёти ва Ватанимизнинг ёрғун истиқболли йўлидаги фидокорона меҳнатлари билан қўллашга астойдил ҳаракат қилаётди.

Ёш оилалар ўзлари қурган янги рўзгор учун турар ва масъулият ҳиссини янада теран англашга, ота-оналари, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга, дунёга келган ва дунёга келмақча фарзандларини халқимизнинг боқий маънавий қадриятлари руҳида тарбиялашга иштибоқ яшашмоқда.

Бинобарин, буларнинг барчаси мамлакатимизда Президент Исрол Каримов раҳбарлигида навқирон авлоди, ёш оилаларни нафақат моддий-молиявий, балки маънавий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг самараларидир.

Ғулoм МИРЗО, ЎЗА шерҳовчиси.

# ЁШ ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ — ФАРОВОНЛИК АСОСИ

ягона солиқ тўловини ҳисоблашдаги солиққа тортиладиган базасини қамайтириш ҳўқуқи берилди. Бошқача айтганда, дастлабки бадални ёш оилаларнинг иш бeрyвчилари, яъни юридик шахслар ҳам тўлашлари мумкин. Бу ҳам оилаларга катта маддад бўлади.

Ёш оилаларнинг уй-жой сотиб олиши ёки қуриши, ўз уй-жўжалигини йўлга қўйиши масалаларида айнан ипотека кредитларига алоҳида эътибор қаратилаётгани беҳиз эмас, албатта. Чунки кредитнинг бу тури ниҳоятда исдиқлиб бўлиб, аҳоли турмуш даражасини оширишда катта аҳамиятга эга эканлиги ҳажон тахрибасида ўз ибобини топган.

Ипотека нима? У қўчмас мулкни гаровга олиш эвазига бериладиган қарз, демакдир. Маълумки, аҳоли сони ўсгани сайин унинг уй-жойга ва бу муаммони ҳал этишга қўмақлашувчи ипотека кредитига эҳтиёжи ҳам ошиб бoрaвeради. Бу кредитлар аҳолининг уй-жой муаммосини ҳал этишдан ташқари, хизмат кўрсатиш, жумладан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасининг, қурилиш хизмати кўрсатувчи қорхоналарнинг, иккиламчи уй-жой бозорининг ривожланишига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатади.

Исрол Каримов ташаббуси билан йўлга қўйилган ипотека кредити тизими кредитларининг арзонлиги ва қўлайлиги билан дунё мамлакатлари тахрибасида кам учрайдиган ҳодисадир.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида юртимизда аҳолининг шинам уй-жойларга бўлган талаб-эҳтиёжларини мумкин қадар тўлиқ таъминлаш, уй-жой қурилишини, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда жадал ривожлантириш, уй-жой қурилиши учун имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бeриш тизимини кенг жорий этиш билан боғлиқ масъулиятли вазифалар Юрбoшимизнинг доимий эътиборида.

Ёш оилалар учун қуриладиган уйлар қандай бўлиши керак?

Ёш оилаларга берилмаётган ипотека кредитлари миқдорлари ҳам қўпчилиги кизиктириши табиий. "Ипотекабанк" акциядорлик тижорат банки маълум қилишича, қараганда, ҳўқуматимизнинг бу борадаги моддий қўллаб-қувватлашидан манфаатдор юртдошларимизнинг аниқ мақсадларидан келиб чиқиб, ёш тартибда уй-жой қуриш ва уни сотиб олиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 бараваридан ошмаган миқдорда ипотека кредитлари берилди. Яқка тартибда қурилган

дан молияландиган қўп қаватли ва кoттеж турар жойлари билан бир қаторда яқка тартибдаги шахсий уйлар, жумладан, мўхташам, маҳобатли, бошқача айтганда, "элит" уйлар қуриш кенг тарқалди.

Шундай ҳашаматли уй-жойга эга бўлиш учун юқорида қайд этилган миқдордаги кредит қамлик қилиши турган гап, албатта. Айни чоғда, қонунчиликка мувофиқ, Президентимиз Фармонини татбиқ этиладиган ёш оила тоифасига, ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар кириши белгилаб қўйилган. Табиийки, бундай ёшларнинг орузси, авваламбор, турмушининг ортиқча ҳоҳ-ҳаваси зeб-ҳашаматларига қалғмай, аксинча, ўқишда, ишда, касб-хўнарни пухта эгаллашга ўзини имкон қадар ёрқинроқ намоён этиш, шахс сифатида тезроқ шаклланиб, ҳаётда муносиб ўрнини топиш, жамиятда эътибор ва мавқе орттиришидир. Қолаверса, ёш оила таркиби ихчам — 2-4 аъзодан иборат бўлади ва дангиллама уй-жойга эҳтиёж сезмайди.

Банк одатда кредит олаётган шахсининг тўлов қобилиятини ўрганган, унинг барқарор иш ўрни ва даромадга эга эканлиги, бу даромад кредит ва

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Раҳматли отамиз бир умр ишлаган Шароф Рашидов номи жамоа ҳўжалигининг фермаси сотилмоқчи, — деди у. — Шу фермени хўсуийлаштириб олсак, нима дейсизлар?

Ҳамидхон билан Сирочхон Намангандаги сутни қайта ишлаш заводига ишлар, Мусаввар Бухгалтер, Аҳмад эса қолвоз чорвасини боқарди. Маҳмуд ака шуни ҳисобга олган, агар тўртта-ласи ферма неғизда қишлоқ ҳўжалик қорхонасини очса, ҳар

Ўтган йили 189 миллион сўмлик гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бунинг эвазига 21 миллион сўм соф фойда ҳисобварағимизга тушди. Жорий йилдан бошлаб эса пахта ва галла ҳосили ҳам етиштирамиз. Бу дегани — ишчиларимиз сони янада ортиб, даромадимизга-даромад қўшилиди.

Тадбиркор ҳар жумлани қатъият билан гапирарди. Аслида ўзига, қўл остидаги мутахассис ва ишчиларга ишонган, эртасини олдидан қўра

деди Юрбoшимиз. — Фермерлар иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлса, юртимизнинг, элимизнинг қудрати янада ошади. Шундай экан, фермерларга имконият ва ёрдам бeриш, тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш лoзим. Бугунги фермер ҳам дeҳқoн, ҳам иқтисодчи, ҳам агроном, ҳам менежер бўлмоғи даркор. Шундангина у қўзлаган мақсадга эришади". Яна давлатимиз раҳбари фермерлар билан мулоқот асосида "Фермерларга хизмат кўрсатиш, жумладан, таъминот масаласида қандай



# Олмаси ширин, узуми шакар

**Китоб тумани марказидан чиқиб, тоғолди худудларга яқинлашганимиз сайин галлазорлар ва пахтазорлар ўрнини тоқзорлар эгаллай бошлади. — Китоб — богдорчилик ва савзавотчиликка ихтисослаштирилган туман, — изоҳ бeрдн хамроҳим, Қашқадарё вилояти кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасининг мутахассиси Ғанишер Иброҳимов. — Шунинг учун бу ерда миришкор богбонлар кўп. Қаранг, қиройил шакл бeрилиб, бир текис ўстирилган мевали дарaxтлару шохлари майда ўрилган соқдай тараб қўйилган тоқлар шундан далолат бeриб турибди.**

Ҳақиқатан, бирор қарич бўш жой йўқ эди. Янги боглардаги ёш ниҳоллар оралиғига қартошқа, пивёз экилган. Дарахтлар ҳосилга киргунча, фермер шу экинлардан даромад олади. Экинга берилган озуқадан баҳраманд бўлган қўчат эса тез етилади.

«Аҳмедов Нeъматулла» фермер ҳўжалиги раҳбари Олим Аҳмедов ҳам шундай йўл тутди. Бултур қўлқамда «Симеренко» навли олма қўчати ўтказилган салкам 72 гектарлик янги богда эртани картошқа етиштиряпти. Гектардан 150 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаяпти. Кейин унинг ўрнига кечки картошқа экомочи экан.

«Ҳожиев Бекзод Носировов» фермер ҳўжалигида 3 гектар олмазор бор. «Голден дилeшeс» навли олма экилган. Ўтган йили гектаридан 130 центнердан ҳосил олинди. Фермер унинг 18 тоннасини «Навоий мeва-узум» агрофирмасига сотиб, 13650 минг сўм даромад қилибди. Қолганини ўзи тўғридан-тўғри шартнома асосида буюртмачиларга етказиб бeрибди. Пировардида 5 миллион сўмдан зиёд соф фойда олибди.

«Атабуллаев Толиб» фермер ҳўжалиги узумчиликка ихтисослашган. 1,1 гектар ерда «Тойфи» навли узум етиштирилди. Бунинг ташвиши кўпроқ. Тоқларни ҳар кузда кўмиш, баҳорда очилиш, новдаларини симбагага тортиб, хомтоқ қилиш, бирорта ҳам бeғона ўз бўлмаслигига эришиш керак. Шу боис тўрт нафар богбон эрта баҳордан кишга қадар тоқзордан чиқмайди.

«Навоий мeва-узум» агрофирмаси эса бу йил «Шахрисабз вино-ароқ» оқиқ ҳиссдорлик жамияти, «Шахрисабз шарабтароқ», «Китоб экоконсерва» тайёрлов ишдорлари билан 109 миллион сўмлик мeва ва узум етказиб бeриш бўйича шартнома тузган. 600 тонна узумни эса Рос-

сияга экспорт қилиш юзасидан келишув ҳужжатини имзолаган.

Бу — бир агрофирманнинг иши. Ваҳоланки, туманда богдорчилик ва узумчилик билан шуғулланувчи 6 та агрофирма таркибида 1172 та фермер ҳўжалиги фаолият юритмоқда. Уларнинг раҳбарлари боғ ва тоқзорлардан мўл ҳосил етиштиришининг ҳадисини олган соҳибкорлардир.

Очил бoбo Рўзиев — китоблик богбонларнинг сардори. Богдорчилик сир-асорларини, богбон масъулияти ҳақида сўз кeтгaнда, отахоннинг қўли-қили очилиб кeтди.

— Бу жойларнинг табиати богдорчилик учун жуда қўлай, — деди у. — Шу боис ҳар бир хонадоннинг томорчасида мевали дарахтлар шoвуллаб турибди. Айниқса, икки йил аввал ширкат ҳўжалиқлари фермер ҳўжалиқларига айлантирилганидан сўнг богбон гектарлаб боғқа эга бўлди. Соҳибни ўзи бўлгандан кейин парварши ҳам бошқача бўлди. Бир вақтлар ширкат ҳўжалигида мажбур қилиб дарахт эктиришарди. Эндиликда боғида битта дарахт қариса, шу кунни фермернинг ўзи янгисини ўтказди.

Очил бoбoнинг ҳовлисидаги тоқларга, дарахтларга қараймиз. Хилма-хил. Ҳар туп тоқ, олма, анжир, олғўри, шафтолида моҳир богбоннинг қўли борлиги сезилиб турибди. Отахон ўз ишдан завқ олади, шу завқ силсиласида рўзгорининг тўқин-сочилигини таъминлайди.

Китобдан қайтиб, Қарши шаҳридаги дeҳқoн бoзoрига тушдик. Пештахталардаги ўрик, олма, гилос, чиллаки узум кўзни қувонтиради. Бу неъматлар ҳақиқий эбонгои соҳибкорлар меҳнатининг махсули эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Зeрo, «Бoғни боқсанг, боғ бўлади...» дeб бeжиз айтилмаган-да.

Бўри НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# КОСОНСОЙНИНГ «ОҚ ЧАШМА»СИ

бири ишни эглай кетишига қўзи етан эди. Укалари унинг фикрини дарҳол тушунишди.

— Мен маблағдан ёрдам бeраман, ammo ишимни ташлаб кeтoлмаймаман, — ўк нишонга тeкканини англаган ака мўдда-ога кўди. — Сизларга ишонман. Шунинг учун мутахассис сифатида Ҳамидхон янги қорхонани бошқарса, Сирочхон ишлаб чиқариш цехини қўлга олса, Мусаввар хорвак-китобни юритса, Аҳмадга чорвани бeрсак, тўғри бўлади... — Шу тарихқа Мўйдинхўжаевларнинг «Чашмаи сафед»и, яъни «Оқ чашмаси» ташкил этилди. Тўрт ўғилон сўт миқдорини қўпайтириш, ишдан турли сўт маҳсулотлари ушлаб чиқаришга азия қарор қилиб, ҳаракатни бошлаб юбордилар.

... Қорхона дарвозаси олдида бизни унинг раҳбари Ҳамидхон Мўйдинхўжаев кўтиб олди. Ўрта бўйли, истариси иссиқ бу йигит билан суҳбат асосида тўрт ўғилоннинг азия қарори ижроси билан қўзланди.

— Мана, ўзларининг «Чашмаи сафед»ининг дoғурига ҳатто Наманганга етиб бoрибди» дeя сўноқчи олдингизлар, — деди у. — Амалий ишимизнинг натижаси шу эмасми?


**МАЪЛУМОТНОМА.** Кичик қорхонада бир кeча-кундузда 1-1,2 тонна сўт қайта ишланади, 12 хил маҳсулот шартнома асосида ҳар кун эрталab соат саккизгача вилоят маркази ҳамда бошқа шаҳар ва туманлардаги буюртмачиларга етказиб бeрилмоқда. Меҳнат жамоаси эса катта — 107 кишидан иборат.

Чакана эмас! — Шунча оддани иш билан банд этиш, уларга ойлик иш ҳақи тўлаш, илғорларни рағбатлантириш, қолаверса, рақобат шaroитида тумандаги 170 та қорхона ўртасида «Оқ чашма»нинг мавқени тиклашининг ўзи бўлмаётгандир?

— Буни биз 1994 йилдаёқ, аникроғи, янги қорхонамизни рўйқатдан ўтказиб, ишни бошлаган кeзларимизда бизнeс-рeжамизда ҳисобга олганмиз, — тушунтирди суҳбатдошимиз. — Унга қўра, Россия ва Германия ускуналари билан жиҳозланган ишлаб чиқариш цехимизда 18 ки

**ЖАҲОН** 24 соат ичида  
**Эверестга йўл қурилади**

Хитой 2008 йилги Олимпиада ўйинлари маънасида Эверест чўққиси орқали олиб ўтиш мақсадида улкан йўл бунёд этмоқда.



Олимпиада олови 130 кун мобайнида манзилга етказилади.

Мазкур лойиҳага 19,7 млн. доллар сарфланади. Қуриш ишлари келаси ҳафтадан бошланади ва камидан тўрт ой давом этади.

**Янги ҳукумат тузилгач...**

Расмий Вашингтон Фаластинда янги ҳукумат ташкил этилгач бу мамлакатга нисбатан эълон қилинган иқтисодий ва сиёсий санкцияларни олиб ташламоқчи.

Бу ҳақда АКШ Давлат котиби Кондолиза Райс мухторият бош вазири Салом Файёд билан ўтказган суҳбатда айтиб ўтди.

Авалроқ ЕИ ҳам фаластинликларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни билдирганди. Бироқ Газо сектори ХАМАС гуруҳи қўлига ўтгач, ўз қарорини бекор қилганди. Янги ҳукумат тузилгандан кейин ЕИ ҳам ҳамкорликни бошлаб юбормоқчи.

**Дунё шаҳарлари**



Бугунги Буенос-Айрес

**Компания иш ўринларини қисқартирмоқчи**

Жаҳонда яхна ичимлик ва шоколад ишлаб чиқариш бўйича машҳур «Cadbury Schweppes» компанияси ходимлари сони 2011 йилга қадар 15 фоизга қисқартиришни эълон қилди.

Айни пайтда компанияда 50 минг ходим ишлайди. Режага кўра, тўрт йил ичида 7500 нафар ишчи ўз иш ўрнидан озод этилади.

**Янги президент тайинланди**

Жаҳон банкининг янги президенти тайинланди. Шу йилнинг биринчи июлидан бошлаб бу лавозимни АКШ Давлат котибининг собиқ ўринбосари Роберт Зеллик эгаллайди.

Эслатиб ўтамоқчи, жаҳон банкининг аввалги президенти П.Булфовиц ўз вазирасини суиистеъмол қилганлиги учун ишдан бўшатилганди.

**Энг қиммат шаҳар**

Британиянинг «Mercer HR» консалтинг фирмаси томонидан эълон қилинган рўйхатда Москва шаҳри иккинчи мартаба дунёдаги энг қиммат шаҳар, деб топилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Москвада озик-овқат ва ижара ҳақининг қимматлиги бунга асосий мезон қилиб олинган.

Жаҳондаги қиммат шаҳарлар рўйхатида кейинги ўринлари Лондон (2-ўрин), Сеул (3-ўрин), То-

кио (4-ўрин), Санкт-Петербург (12-ўрин), Париж (13-ўрин), Нью-Йорк (15-ўрин), Тель-Авив (17-ўрин), Киев (28-ўрин), Барселона (31-ўрин), Франкфурт (40-ўрин), Лос-Анжелес (42-ўрин), Берлин (45-ўрин) ва Прага (49-ўрин) шаҳарлари забт этган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

**«СПЕКТР» МАҲСУЛОТИ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА**

Андижон шаҳридаги «Спектр» масъулияти чекланган жамияти «ЎздЭУавто» заводи учун 20 турдан ортиқ бутловчи қисмларни ишлаб чиқаради.

Беш йил аввал ташкил этилган ушбу жамият шу вақт мобайнида ишлаб чиқаришни ривожлантириб, ўз маъноси мустаҳкамлади. Зеро, «ЎздЭУавто» акционерлик жамияти учун бутловчи қисмлар етказиб бериш масъулиятли иш.

Жамиятнинг асосий цехида штампландиган дастгоҳлар тўхтовсиз ишлайди. Ишчилар ярим автомат дастгоҳларни моҳирлик билан бошқаради.

— Жамоада 40 нафарга яқин киши меҳнат қилади, — дейди менежер Азизбек Турдиев. — Иш уч сменада ташкил этилган. Ҳар ой 50 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарамиз. Буюртмачи чорақда бир марта етказиб бериладиган бутловчи қисмлар сифатини текширади. Жамоамиз билан ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз сифатини янада яхшилашга ҳаракат қиламиз.

Дарҳақиқат, ишчилар ўз қорхонаси обрўсини юксалтиришга интилади. Бу ерда ўртача иш ҳақи 100 минг

сўмдан ортади, икки маҳал бепул овқат берилади, ишчиларга қорхона транспорти хизмат кўрсатади.

Олинган даромаднинг асосий қисми ишлаб чиқариш базасини кенгайтиришга йўналтирилмоқда. Лизинг асосида ўн та техника воситаси сотиб олинди. Айни пайтда жамият ўз маҳсулот турларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун эса бутловчи қисмларни сифатли пайвандлаш имконини берадиган юқори унум билан ишлайдиган ускуна ўрнатилган.

С. ШУКУРОВ, ЎЗА мухбири.

**Газ унғуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!**

**«Крокус Газ Сервис» ҚҚ**

(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК)**

**МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м<sup>3</sup>, 250 м<sup>3</sup>, 400 м<sup>3</sup>, 650 м<sup>3</sup>, 1000 м<sup>3</sup>, 1600 м<sup>3</sup> гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

**Россияда ишлаб чиқарилган**

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧANAЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**

**замонавий электрон газ ўлчагичлари.**

Ўлчаш диапазонлари:

- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м<sup>3</sup> дан 25 м<sup>3</sup> гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м<sup>3</sup> дан 40 м<sup>3</sup> гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м<sup>3</sup> дан 6 м<sup>3</sup> гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м<sup>3</sup> дан 10 м<sup>3</sup> гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м<sup>3</sup> дан 16 м<sup>3</sup> гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вилояти заводи.

Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

**САЙЁҲЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА**

«Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Самарқанд вилоят бўлими Япония халқаро агентлиги — JICA билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишлаб «Guide book of Samarkand» («Самарқанд бўйлаб саёҳат») китобини нашрдан чиқарди.

Самарқанд шаҳридаги «Зарафшон» нашриётида тайёрланган мазкур китоб асосан хорижий сайёҳларга мўлжалланган. Замонавий полиграфия имкониятлари асосида нашр этилган қўлланмада матнлар рус, инглиз, япон, француз ва немис тилларида берилган. Ундан Самарқанднинг тарихи ва

бугунги кунги, мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, самарқандликларнинг турмуши ва анъаналари ҳақида мақола-лар, шаҳарнинг тарихий обидалари ва замонавий иншоотларнинг фотосуратлари кенг ўрин олган.


Ҳ.ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИПЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

2007/2008 ўқув йили учун кундузги бўлим баълавриатининг қуйидаги йўналишлари:


- ✦ халқаро журналистика;
- ✦ инглиз филологияси;
- ✦ роман филологияси (француз ва испан тиллари);
- ✦ герман филологияси (немис тили);
- ✦ славян филологияси (рус тили);
- ✦ референт-таржимон;
- ✦ тиллар бўйича иккинчи мутахассислик



**магистратуранинг:**

- ✦ инглиз филологияси;
- ✦ роман филологияси (француз ва испан тиллари);
- ✦ герман филологияси (немис тили);
- ✦ славян филологияси (рус тили);
- ✦ референт-таржимон;
- ✦ халқаро журналистика

мутахассисликлари бўйича қабул эълон қилади.



Абитуриентларнинг ҳужжатлари қабул комиссияси томонидан 2007 йилнинг 20 июнидан 20 июлига қадар қабул қилинади. Манзилимиз: Тошкент ш., Учтепа тумани, академик Решетов к., 4-уй. Метронинг «Пахтакор» бекатидан 35-автобус, «Чилонзор» бекатидан 20-автобус ва 37-йўналишли такси катнайд.

Телефонлар: 143-58-82, 275-77-95, 143-35-09.

**Университет қабул ҳайъатига топшириладиган ҳужжатлардан иборат:**

- университет ректори номига ариза;
- ўрта маълумоти ҳақида етуқлик аттестати ёки дипломнинг асл нусхаси;
- 3x4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат;
- 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома;
- паспорт ва ҳарбий хизматга тегишли ҳужжат шахсан кўрсатилади.



Тест синовлари кундузги бўлимда 1 август кунини ўтказилади. Талабалikka танлов асосида қабул қилиш абитуриентнинг тест синовларида тўплаган балларига асосан ҳал қилинади. Халқаро журналистика ва испан тили йўналишларида тест натижаларидан ташқари ижодий имтиҳонда олинган баллар ҳам ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг 1-курсига 2007/2008 ўқув йилида талабаларни қабул қилиш тартиб ва қоидалари тўғрисидаги низоом асосида амалга оширилади.

**ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!**

**Цементчиларнинг ўз музейи бўлади**

«Кизилқумцемент» ҳиссадорлик жамияти жамоаси заводнинг 30 йиллиги арафасида эзгу ишга қўл урди. Бу ерда тарих музейи ташкил этиладиган бўлди. Музейдан меҳнат жамоаси ютуқларини акс эттирадиган ҳужжатлар, суратлар, шунингдек, завод тараққиётига муносиб ҳисса қўшган мутахассислар ҳақидаги маълумотлар ўрин олади.

Жамолддин ТЎХТАШЕВ.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ**

**ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

2007-2008 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

**БАКАЛАВРИАТ:**

- I. Фикҳ, иқтисодиёт ва табиий фанлар факультети:**
  - ҳуқуқшунослик (ислом ҳуқуқи) (ўзбек ва рус гуруҳлари);
  - жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (ўзбек гуруҳи);
  - информатика ва ахборот технологиялари йўналишлари (ўзбек гуруҳи).

- II. Ислам тарихи ва фалсафаси факультети:**
  - диншунослик йўналиши (ўзбек ва рус гуруҳлари).

**МАГИСТРАТУРА:**

- диншунослик;
- исломшунослик;
- ислом ҳуқуқи;
- хорижий мамлакатлар иқтисодиёти йўналишлари.

Абитуриентларнинг ҳужжатлари қабул комиссиялари томонидан 2007 йилнинг 20 июлига қадар, магистратурага 31 июлга қадар қабул қилинади. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Кодирий кўчаси, 11-уй. Мурожаат учун телефонлар: 144-00-56, 144-00-91, 144-94-71.


**Қабул ҳайъатига топшириладиган ҳужжатлар:**

- университет ректори номига ариза;
- ўрта маълумоти ҳақида етуқлик аттестати ёки дипломнинг асл нусхаси;
- 3x4 см. ҳажмдаги олти дона фотосурат;
- 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома;
- паспорт ва ҳарбий хизматга тегишли ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Тест синовлари 1 август кунини ўтказилади.

Талабалikka танлов асосида қабул қилиш абитуриентнинг тест синовларида тўплаган балларига асосан ҳал қилинади.

**Омад ёр бўлсин!**



Тел.: 215-89-89, 215-84-48. Кафолат — 2 йил.

Маҳсулот сертификатланган.

# МАТОНАТ, ШИЖОАТ ВА НАВҚИРОНЛИК БАЙРАМИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу ерга илгари келган одам мазкур масканга ташриф буюрса, хайратдан ёқа ушлаши тайин. Чунки шаҳарча катта спорт байрами арафасида янада чирой очган. Навқирон авлодининг спорт билан мунтазам шугулланиши учун уларга замон талабларига мос шарт-шароит яратиш лозим. Шу маънода, "Универсиада — 2007" мусобақалари дастурига киририлган футбол, гандбол, баскетбол, кўл тўпи, сузиш, стол тенниси, енгил атлетика каби спорт турлари бўйича асосий беллашувларни айнан "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида жойлашган спорт мажмуалари ва сув ҳавзаларида ўтказиш кўзда тутилган беким эмас.

— Шаҳарчамиз "Универсиада — 2007" мусобақалари арафасида янада гузал кифо касб этди, — дейди "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокими Рўзимурод Чориев. — Худудимизда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Абу Райҳон Беруний но-

мидаги Тошкент Давлат техника университети, Тошкент тиббиёт академияси сингари нуфузли олий ўқув юрталари, лицей ва коллежлар мавжуд. Спорт байрами арафасида шаҳарчамизда замонавий спорт мажмуалари бунёд этилиб, мавжудлари қайта таъмирланди.

Янгидан бунёд этилган замонавий спорт мажмуалари жаҳон андозаларига мослиги билан ҳам эътиборлидир. Ўзбекистон Миллий университети тўғрисида қарашли бўйи 50, эни 21 метр, чурқурлиги эса 2,5 метр бўлган ёпиқ сув спорти саройи ҳам шаҳарчага ўзгача кўрк бағишлаб турибди.

Тошкент Давлат техника университетининг янги спорт мажмуасидаги 25/11,5 метрлик ёпиқ сув ҳавзаси, енгил атлетика зали, баскетбол, волейбол, мини футбол майдонларида машғулотлар ўтказиш учун бар-

ча шароитлар муҳайё этилган. Тошкент тиббиёт академиясида 4500 томоша-

лудба таъмирланган талабалар тураржойларида истиқомат қилишади. Мингдан зиёд спортчи ва ҳакамлар эса "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида яшади. Бу ерда тўлақонли ҳаёт учун барча қўлайликлар яратилган. Интернет, факс ва телефонга эга ахборот марказлари, машқ заллари, дам олиш ва тиббиёт хоналари спортчилар хизматида бўлади.

Мусобақа иштирокчиларининг ўйинлардан бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун ҳам ҳамма нарса кўзда тутилган. "Универсиада — 2007" спорт мусобақаларининг мазмунли ва кўтаринки руҳда ўтишини, иштирокчиларнинг мириқиб дам олишини таъминлаш учун шаҳарчада маънавий-маърифий ишлар режаси тузилган. Талабалар шаҳарчасидаги "Маънавият ва маърифат" маркази ҳамда "Фудзияма" ошхонаси олдида иккита саҳна ўрнатилиб, у ерда иштирокчилар таниқли санъаткорлар чиқишларидан баҳраманд бўлишади. Хар бир мусобақа иштирокчисига "Универсиада" тимсоллари акс этган эсдалик буюмлари, бошқа кўплаб совғалар улашиш режалаштирилган.

## Мусобақаларни 400 нафардан ортик журналист ёритди

Мамлакатимизда оммавий спорт тарғиботига берилган эътибор самараси ўларок, спорт журналистикасининг янги авлоди шаклланди. Президентимиз ташаббуси илан жорий этилган уч босқичли спорт тизими мазмун-моҳиятини кенг оммага етказишда уларнинг ўрни алоҳида. Эртага бошланадиган "Универсиада — 2007" мусобақаларини 400 нафардан ортик оммавий ахборот воситалари вакиллари тезкорлик билан ёритиб боради. Мусобақанинг тантанали очилиш ва ёпилиш тантаналари "Спорт" телеканали орқали тўғридан-тўғри намойиш этилиши режалаштирилган. Айни пайтда Талабалар шаҳарчасида "Ахборот" маркази мунтазам ишлаб туради. Интернет тармоғидаги [www.universiada.uz](http://www.universiada.uz) сайти орқали мусобақалар тарихи ва кундалиги, хар кунги натижалар ҳамда яна бошқа янгиликлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида изчил бериб борилади.

бинга мўлжалланган стадион ва спорт мажмуаси қад ростлади.

Мусобақа кунларида иштирокчилар замонавий ус-

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Ҳалоллик — бош мезон

"Универсиада—2007" мусобақаларида талабалар спортининг баскетбол, кураш, белбоғли кураш, волейбол, енгил атлетика, теннис, стол тенниси, шахмат, футбол, кўл тўпи, сузиш, дзюдо каби ўн икки тури бўйича беллашадилар. Низомга мувофиқ, мусобақалар халқаро Олимпиада талабаларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилади. Холлислик, ҳалоллик, адолат, ўзаро дўстлик, тотувлик каби Олимпиада қадриятлари мазкур тизимдаги спорт ўйинларининг бош мезони бўлиб қолади.

Универсиадининг финал қисмида 1946 нафар талаба-спортчи қатнашмоқда. Аёнанага кўра, умумжамоа ҳисобида I, II ва III ўринлар соҳибларига Президентимиз совғаси — "Дамас" автомашинаси топширилади. Бундан ташқари, шахсий биринчилик голиблари ҳам қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.



"Универсиада—2007" спорт ўйинлари машъаласи Тошкент вилоятининг Паркент туманида жойлашган "Физика — Кўёш" илмий-ишлаб чиқариш марказининг 2600 градусли кўёш ўчоғида ёндирилади.

## Яна порлар машъала

Агар дунё миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, бундай улкан иншоот жаҳонда иккита бўлиб, бири Франция жанубидаги Пириней тоғларида, иккинчиси эса Ўзбекистондадир. Машъала дастаси ва оловдон республика "Ватанпарвар" ташкилоти томонидан тайёрланган. Бунда халқимизнинг бой тарихи, миллий урф-одатларига таяниб иш кўрилди. Машъаланинг дастаси чинор дарахтидан ишланган бўлиб, бу теран ўтмишимизга, халқимизнинг мустақкам иродаси ҳамда боқийликка ишора. Узоқ умр ва соғлом ҳаёт рамзи. Лола шаклидаги юқори қисми эса — баҳор, ёшлик ифодаси. Оққўн-гиллилик белгиси, миллий бойлигимиз — пахта эслатувчи шакл-шамойиллар ўз аксини топган.

Машъала 21 июнь кунини "Физика-Кўёш" илмий-ишлаб чиқариш бириликсининг кўёш ўчоғида ёқибли, "Ватанпарвар" ташкилоти томонидан ташкил қилинган махсус автомобиль карвани ҳамроҳлигида спортчи-ёшлар томонидан мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими ўтказиладиган "Ёшлик" спорт мажмуасига етказилади. Машъала мамлакатимизда ишлаб чиқарилган "Ласетти", "Нексия", "Матиз" ва "Дамас" машиналарида олиб борилди.

## «Универсиада» зарварақлари

**МАМЛАКАТИМИЗДА** Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, 2000 йилдан уч босқичли — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" оммавий спорт ўйинлари ўтказила бошланди. Кичик Олимпиадага айланган бу мусобақалар, халқаро экспертлар эътирофи эгиткичи, ҳеч бир мамлакатда қайд этилмаганлиги билан тарих саҳифаларидан жой олди.

**БИРИНЧИ** «Универсиада» мусобақалари 2000 йили Наманганда бўлиб ўтган эди. Унда Наманган вилояти биринчи, «Тошкент-1» жамоаси иккинчи, Самарқанд вилояти спортчилари учинчи ўринни қўлга киритишган. Мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан жами 16 та терма жамоа иштирок этиб, қатнашчилар сони 1409 нафар, шундан 934 нафари йигитлар, 475 нафари эса

қизлардан ташкил топди. Жамоалар ва голибларга Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — 15 та «Тико» русумли енгил автомашина берилди.

**САМАРҚАНДА** ўтган «Универсиада — 2004» спорт ўйинлари финал босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 55 та олий таълим муассасасидан вакиллар иштирок этди. Унда Тошкент Давлат аграр, Тошкент Давлат техник университети, Самарқанд Давлат университети ҳамда Навоий Давлат педагогика, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтлари талабалари муваффақиятли қатнашдилар.

«Универсиада — 2002» мусобақалари муносабати билан Бухоро шаҳрида 20 минг томошабинга мўлжалланган, халқаро талабаларга жавоб берадиган стадион бунёд этилди.

Унда Тошкент Давлат аграр, Тошкент Давлат техник университети, Самарқанд Давлат университети ҳамда Навоий Давлат педагогика, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтлари талабалари муваффақиятли қатнашдилар.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатиغا!

## НАВОЙ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

қўйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:

«Кармана шаҳридаги мавжуд маъмурий ва 1-сонли сабзавотларни сақлаш биносини Онкология шифохонаси учун қайта қуриш (1-босқич)».

Қурилиш ишларини маъмуриятнинг маҳаллий маблаглари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи — Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси.

Манзил: 706800, Навоий шаҳри, Толстой кўчаси, 18-уй.

Телефон: (8 436) 770-21-48.

Қурилиш ишларини маъмуриятнинг маҳаллий маблаглари ҳисобидан амалга оширилади. Талабдор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қўйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдориди бўш айланма маблагларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала-хуқуқий лаёқат ва низом сармоясининг миқдори, танлов объектга ўқшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектда ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулкдорларнинг хажми (фоизларда).

Танлов савдоларида қатнашувчи талабдорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.


Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган Навоий вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. **Тел./факс: (436) 225-53-85.**

Ҳужжатлар бир тўпламнинг (комплект) қиймати — 60 минг сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати — оферталар очилиш кунини ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

ИПОТЕКА BANK

ИПОТЕКА BANK



## «ШОДИЁНА-2» омонати

3 ойлик мuddатга қабул қилиниб,

1-ой учун йиллик - 22 %,

2-ой учун йиллик - 23 %,

3-ой учун йиллик 24 % миқдорида даромад тўланади.

Маълумот учун телефонлар:

(8-371) 150-89-56,

(8-371) 150-89-58.

Сизнинг омонатингиз Фуқароларнинг

банклардаги омонатларини кафолатлаш

фонди томонидан ҳимояланган.

Хизматлар лицензияланган.

## Кўшма корхона

тендер асосида ўзининг иккита енгил автомашинаси сотилиши ҳақида эълон қилади:

1. «Тойота Ланд Крузер», 1996 йилда ишлаб чиқарилган, 408 минг км. юрган, бошланғич нархи — 30 млн. сўм.
2. «Дэу Нексия», 2002 йилда ишлаб чиқарилган, 196 минг км. юрган, бошланғич нархи — 8 млн. сўм.

Енгил машиналар яхши ҳолатда.

Енгил машинани кўздан кечириш аввалдан буюртма асосида 22 ва 25 июнь кунлари соат 17.00 дан 18.30 гача Тошкент шаҳри, Туроб Тўла кўчаси, 1-уйда амалга оширилади.

Ковнертга муҳрланган таклифлар 2007 йил 28 июнь кунини соат 16.00 га қадар қабул қилинади.

Тендер якунидан 2007 йил 28 июнь кунини соат 17.00 да эълон қилинади. Энг юқори нархни таклиф этган иштирокчи тендер голиби деб топилди.

Маълумот учун тел.: 114-64-46, 114-64-44, 132-61-73, Мухримов Давлат.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 33764 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:

Газетхоналар билан алоқа ва минтақавар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материали

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.20 Тошпирилди — 22.45

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров. Навбатчи — Ф. Саидов. Мусахҳах — М. Ёқубова.

1 2 3 4 5